

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
XALQ TA'LIMI VAZIRLIGI**

**QASHQADARYO VILOYATI XALQ TA'LIMI XODIMLARINI  
QAYTA TAYYORLASH VA ULARNING MALAKASINI  
OSHIRISH HUDUDIY MARKAZI**

**“GLOBALLASHUV SHAROITIDA UMUMTA'LIM  
MAKTABLARIDA ZAMONAVIY TA'LIM  
TEXNOLOGIYALARINI JORIY QILISH:  
MUAMMO VA YECHIMLAR”**

**Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari to'plami  
23 noyabr 2019**

---

**ВНЕДРЕНИЕ СОВРЕМЕННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ  
В ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ШКОЛАХ  
В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ:  
ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ**

**Сборник материалов республиканской  
научно-практической конференции 23 ноября 2019**

---

**THE INTRODUCTION OF MODERN TECHNOLOGY  
IN SECONDARY SCHOOLS IN THE  
GLOBALIZATION PROCESS:  
PROBLEMS AND SOLUTIONS**

**Collection of the materials of republican scientific-practical  
conference november 23. 2019**

Хулоса қилиб айтганда, илк ўрта асрларда транзит алоқа ва этномаданий муносабатлар йўллари 3 қисмга – жанубий, марказий ва шимолий йўналишларга бўлиб чиқиш мумкин. Буюк ипак йўлининг жанубий йўналиши Тоҳаристондан Помир тоғ доволари орқали Қашқарга олиб чиққан бўлса, марказий йўналиш Амударё кечувларидан (Келиф, Керки, Амул) Бухоро, Сурхондарё ва Қашқадарё воҳасидаги шаҳарлар орқали ўтиб Самарқандга, бу ердан Жиззах, Шош ва Фарғона водийси шаҳарлари бўйлаб Қашқарга олиб чиққан. Шимолий йўналиш бўйлаб Самарқанддан Жанубий Қозоғистондаги шаҳарлар (Ясси, Исфижоб, Тароз ва бошқалар) орқали ўтиб, Шарқий Туркистонга бориш мумкин эди (По Великому шелковому пути., 1991, с. 14). Бу йўллар ичида Ўзбекистон шаҳарлари орқали ўтувчи марказий йўналиш этномаданий алоқаларда муҳим ўрин тутган.

Бу даврда Сосонийлар Эрони билан Эфталийлар, кейинчалик Турк ҳоконлиги ўртасидаги сиёсий низолар туфайли Эрон ҳудуди орқали Ўрта Ер денгизи портларига олиб чиқувчи этномаданий муносабатлар йўли фаолияти маълум вақт ўз аҳамиятини йўқотади. Бу ташқи сиёсатнинг иқтисодий-маданий алоқалар йўналишларига таъсири катта бўлишининг ёрқин далиллари билан биридир.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Эшов Б. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. Дарслик. – Тошкент: Янги аср авлоди. 2012. Б.151-176.
2. Эшов Б. Ўрта Осиё ва Қадимги Шарқ; тарихий-маданий алоқалар // Жамият ва бошқарув. – Тошкент. 2004. – №.Б.51-53.
3. Немцева Н.Б. На путях из западного Согда в Отрар // Архитектура и строительство Узбекистана. – Ташкент, 1997. – №3. – С.12-14.
4. Адылов Ш. Эфталиты и Западный Согд // Археология, история и культура Средней Азии. Мат.межд.конф. – Ташкент.2002. С.21-23.
5. Массон М.Е. Столичные города в низовьях Кашкадарьи с среднейших времен до наших дней. – Ташкент. – Фан. 1973. – 152 С.
6. Мавлонов Ў. Қадимги йўллар ва этномаданий алоқалар // Ўзбекистонда этнодемографик жараёнлар: Халқаро конф.мат. – Тошкент. 2005. – Б.64-68.
7. Раимқулов А. Қашқадарё воҳасининг ўрта асрлар шаҳарлари. – Қарши. “Насаф”. 2014.–144 б.
8. Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В трех частях. – Алматы: ТОО “Жалын Баспасы”. – 1998. Ч II. С. 46.
9. Раимқулов А. Жанубий Суғднинг этномаданий алоқалари ва қадимги йўллар // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар. – Самарқанд, 2018. №2. Б.58-66.

## КЛАВИХО КУНДАЛИГИДА КЕШ ШАҲРИ ВА УНИНГ ТАСНИФИ

**З. Нурманова,**

*Қарши ДУ магистранти*

Ривожланган ўрта асрлар даврида Европа тилларида ёзилган Ўрта Осиёнинг тарихий географиясини ёритувчи манбалар, айниқса XIII-XIV асрлардан бошлаб кўпайиб борди. Бу манбалар олдинги давр манбаларига қараганда, маълумотларнинг кўплиги, аниқлиги билан ажралиб туради. Бу даврга мансуб манбалар муаллифларнинг кўпчилиги Марказий Осиёга бевосита ташриф буюрган европалик элчилик миссиялари аъзолари ва сайёҳлар бўлгани келтирилган маълумотларига ишончни оширади. Бу даврга мансуб муҳим манбалар сифатида XIII аср ўрталарида Марказий Осиёга бевосита ташриф буюрган Плано Карпини [1. В.23-85], Вилгельм Рубрук [2. В.88-195], Марко Поло (XIII аср) [3. В.480], Иоганн Шилтбергер [4. В.240], Руи Гансалес де Клавихо (XV аср)[5. В.212] ва бошқаларнинг асарларини келтиришимиз мумкин.

Умуман олганда, ер юзасининг маълум бир қисмини тарихий-географик кўламда ўрганиш жамият тарихи, айниқса, инсон ва табиат муносабати масалалари нуктаи назаридан долзарб аҳамиятга эга. Кеш шаҳри тавсифи Темурийлар давридаги географик мазмундаги

асарлар билан бир қаторда, тарихий ва бошқа соҳалардаги манбаларда ҳам ўз аксини топган. Демак, ўлканинг ўша кезлардаги маъмурий ҳудудий ҳолати, табиати, ҳўжалиги, савдо йўллари ва халқаро муносабатлари географияси хусусида сўз юритиш учун турли мазмундаги манбалардан фойдаланишга тўғри келади. Ўлканинг XV аср бошларидаги тарихий географик тавсифи озми-кўпми ўрин олган ёзма ёдгорликлардан бири испан элчиси ва сайёҳи Клавихонинг “Кундалигидир”. Ушбу мақолада мазкур асардаги Кеш шаҳри тарихий географиясига оид маълумотларни таҳлил қилиш мақсад қилиб қўйилди. Маълумки, XV аср бошларида Амир Темур давлати сиёсий, ҳарбий ва иқтисодий жиҳатдан салоҳияти кучайиб, Ғарбий Европа давлатлари ҳуқумдорлари наздида ҳам катта обрў-эътиборга эга бўлди ва улар ўзаро ҳукмронлик муносабатлари ўрнатиш мақсадида, Соҳибқирон ҳузурига ўз элчиларини йўллай бошлайдилар, ана шундай давлатлардан бири Испания эди. Ўша даврда Амир Темурнинг шухрати бутун Европага тарқалган эди. Шу сабабли Муҳаммад Кеший Кастилия Дон Энрике III ҳузурида катта ҳурмат эътибор билан кутиб олинади. У қирол саройидаги ва йирик зодагонлар қасридаги қабулларда иштирок этади. Қирол унга Руи Гансалес де Клавихо бошчилигидаги ўз элчиларини кўшиб, ҳурмат эҳтиром билан Самарқандга кузатиб қўяди.

Клавихо “Кундалигида”:- Кеш оқар сувлар, ўтлоқлар, боғ-роғлар, экинзорлар, гавжум кишлоқлар ўрамадаги обод шаҳар эканлиги ва унинг девори ҳамда чуқур хандаки борлиги, шаҳар дарвозалари олдида хандак устига кўтарма кўприклар қурулганлиги баён этилади. 1404 йилнинг куз ойларида Кешга ташриф буюрган испан элчиси Руи Гансалес де Клавихо ўз эсдаликларида, Атрофи каналлар ва ирмоқлар билан ўралган текисликда жойлашган Кеш деган катта шаҳарга етиб келдик. Шаҳарни боғ-роғлар ўраб турар атрофини адирликлардан иборат кўп аҳолили кишлоқлар, серсув каналлар, катта ариқлар қуршаб турадики, бу жойлар ёзда жуда чиройли кўринса керак деб ўйладим. Ҳосилдор ерларда бугдой, узум, пахта, қовун ва каттакон дарахтлар ўсиб ётар. шаҳар атрофи бўйлаб чуқур хандак қазилган, дарвоза олдида осма кўприк мавжуд. Оқ саройнинг катта кўзга ташланиб, боғ, боғда ҳар хил мевали дарахтлар ва ҳовуз мавжуд. Боғга кираверишнинг ўзидаёқ, унинг кенглик кўзга ташланиб турар, ҳовузнинг атрофида, дархтларнинг соясида ёз кунларида бемалол ўтириб дам олса ҳам бўлади” [5. Б.299-344].

Лекин энг муҳими Кеш шаҳрида Амир Темур фармони асосида барпо этилаётган турли иморатлар, айниқса, Оқсарой мажмуаси тафсилоти бўлиб, улар ўша давр бошқа манбаларида учрамайди. Оқсарой ҳақида “Бу қаср шу пайтгача барпо этган иморатлар ичида энг мухташамидир” деб тўғри қайд этган. Чунончи, Клавихо Кешдаги қарийб 20 йил давомида қурилаётган кўшкларнинг ҳашаматига баҳо берар экан. Парижнинг моҳир усталари ҳам бу зийнатларни кўрганда, ҳайратга тушишини таъкидлаб ўтади. Масалан, Клавихонинг эсдаликларида Оқсаройнинг ҳовлисидаги боғ ичида катта ҳовуз мавжудлиги ҳақида маълумот келтирилиб ўтилади. Кейинги йилларда Шаҳрисабз Амир Темур номли моддий маданият тарихи музейининг илмий ходимлари томонидан 2001-2002 йиллардаги олиб борилган археологик қазилмалар натижасида топилган сопол қувурлар Оқсарой ва шаҳарни сув таъминоти Хисор тоғидан оқиб келадиган Оқдарё таминлаганини исботлайди [6. В.25].

Кундаликда Амир Темур Кеш шаҳрида ўзи учун хилхона қурдиргани ҳақида ёзилгани ҳам нодир маълумотдир, шунингдек, Амир Темур отаси Анур Тарағай ва тўнғич ўғли Мирзо Жаҳонгир қабрлари устига мақбаралар барпо этганлиги келтириб ўтилади. Ушбу маълумотлар ўзининг аниқлиги ва ҳайратланарли томонлари билан ўз аҳамиятини ҳозиргача йўқотмай келмоқда.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Джованни дель Пано Карпини. История манголов, которых мы называем татарами//Пер.со старофранцузского А.И.Малеина// Путешествия Пано Карпини и Вильгельма Рубрика. – М.:Географиздат. 1957.-С.23-85.
2. Вильгельм Рубрук. Путешествие в восточные страны Вильгельма Рубрика в лето блогости 1253/Введение, перевод и примечание А.И.Малеина // Путешествия Пано Карпини и Вильгельма Рубрика. - М.:Географиздат, 1957.-С.88-195.
3. Марко Поло. Книга о разнообразии мира/ Перевод И.Минаева. – М.:ЭКМО, 2005 –480с.

4. (Шильбергер И). Путешествия Иоганна Шильбергера по Европе, Азия и Африке (с 1394 по 1427 г.) Перевел с немецкого и снабдил примечаниями Ф.Брун. – Ташкент; Шарк, 1997.-240с.

5. Руи Гансалес де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403-1406гг.)/ Пер.со.стариспанского, предисловия и комментарий И.С. Мироковой. – М.; Главная редакция Восточной Литературы, 1990.-212 с: Клавихо Г. История Великого Тамерлана/Тамердан. Эпохаю. Личность. Деяния. –М.: Гураш, 1992.-С.299-344.

6. Хушвақтов Н.О. Амир Темурнинг Шахрисабздаги истироҳат боғлари Ўзбекистонда анъанвий боғ ва боғдорчилик санъати “Кеча, бугун ва келажакда” мазусидаги халқаро илмий конференция материаллари. Тошкент., Янги нашр нашриёти, 2016 йил. 25 бет.

## **ЎҚУВЧИЛАРДА ИЖТИМОЙ ФАОЛ ФУҚАРОЛИК КОМПЕТЕНЦИЯСИ ШАКЛЛАНИШИДА ҲУҚУҚИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЎРНИ**

**О. Б. Бакиров,**

*Жиззах вилоят ҳудудий маркази  
катта ўқитувчиси*

Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим шароитида ижтимоий ҳаётнинг барча жабуҳаларида ўзлигини намоеън қила оладиган, жамиятдаги ўзгаришларга фаол муносабат бишдириб, уларга таъсир эта оладиган компетент кадрларни тайёрлаш вазифаси устворлик касб этади. Бу масаланинг ижобий ҳал этилиши жамиятнинг юксак даражадаги интеллектуал салоҳият, маънавий, ҳуқуқий ва профессионал маданиятга эга бўлишини кафолатлайди.

Биз биламизки, Ўзбекистон Республикасининг конституцияси халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунаси. У ҳеч кимга қарам бўлмасдан, эркин ва озод, тинч ва осойишта, фаровон яшашнинг қонуний кафолати бўлиб келмоқда. Бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш борасида мустақкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Суверен Ўзбекистоннинг мустақил таракқиёт йиллари мамлакат тарихида ўзбек давлатчилиги ривожланишининг муҳим босқичи, унинг истиқболини белгилашда жиддий аҳамиятга эга бўлган давр сифатида баҳоланади. Ўтган йилларнинг тарихий аҳамияти истиклолнинг мазмун ва моҳиятини, унинг ғояларини ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимида янада кучлироқ ва чуқурроқ акс этиши уларнинг ҳуқуқий расмийлаштирилиши ҳамда тартибга солинишига ҳам алоҳида мазмун бахш этади. Айнан мустақиллик, давлат ва жамият ривожланишининг сиёсий-ҳуқуқий замини яратилишига сабаб бўлди. Ваҳоланки, мустақиллик ижтимоий муносабатлар, хусусан, ҳуқуқий муносабатлар тизимида кенг кўламдаги ислохотларни амалга оширишни кун тартибига қўйди ва унинг учун асос бўлиб хизмат қилди. Шу боис «биз учун энг асосий, энг муҳим устувор мақсад тенгсиз олий неъмат – мустақилликни бундан буён ҳам асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустақкамлаш бўлиб қолаверади.

Ўқувчиларда ижтимоий фаол фуқаролик компетенциясини шакллантириш давр тақозоси ҳисобланади. Чунки халқ тили билан айтганда, душмандан кўра лоқайд одамлар хавфлироқдир. Негаки, лоқайд одамлар ҳаётда, жамиятда бепарво, бўлиб жамиятнинг бузилиб кетишига, давлат тепасига хавфли хавфли гуруҳларнинг (ИШИД, диний экстремистлар ва ҳ.к) келиб қолиши лоқайд қараб турадилар. Шу сабабли болаларни ижтимоий фаолликка ўргатиш, фанларни ўзлаштиришдан кам аҳамиятга эга эмас. Бунинг учун дарсларда кичик гуруҳларда ишлаш, синфда, мактабда, оиладаги тадбирларда болаларнинг қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда барча интироқ этиши керак.

Мустақиллик йилларидан кейинги амалга оширилаётган “ҳуқуқий ислохотлар” ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий салоҳияти юксалишига, ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилган самарали ислохотларга асос бўлди.

Фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларнинг сиёсий фаоллигини оширишда ҳам Конституциянинг ўрни ва аҳамияти беқиёс эканини алоҳида таъкидлаш жоиз.

25	M. Maxmanova, R. Rajabov	Ijtimoiy fanlarni o'qitishda interfaol metodlarning o'rni xususida	46
26	K. Mirzaev	Ёшлар тарбиясида ғоявий бўшлиқ муаммоси ва унинг ечимлари	48
27	У.М. Мўминов	Тарихий ўлкашунослик ва урбанизация жараёнлари фанини ўқитишда Қарши шаҳрининг XVII-XX асрларлар сиёсий тарихи мавзусининг ўрганилиши	50
28	Ш.М. Норматов	Илк ўрта асрлар Ўрта Осиё этномаданий савдо йўллариининг ривожланиш хусусиятлари	51
29	З. Нурманова	Клавихо кундалигида Кеш шаҳри ва унинг таснифи	53
30	О.Б. Бакиров	Ўқувчиларда ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси шаклланишида ҳуқуқий ислохотларнинг ўрни	55
31	Р. Ражабов И. Баташов	Миллий ғоя туркумига кирувчи фанларни ўқитишда тарихий фотолавлалар ва тасвирий санъат асарлари намойиши билан интеграцияси	56
32	Sh. Turayev	Vilgelm Rubrukning sayohati kundaligida Markaziy Osiyo tavsifi	58
33	A.A. Tursonov	Миллий-маданий мероснинг Марказий Осиё маданияти тизимидаги ўрни	61
34	Р. Тўхтаева	Кеш-Шаҳрисабз тарихи муаррих Шарафуддин Али Яздий тавсифида	63
35	J.O.Umarov, A.M. Aminova	Globalashuvning yoshlar kamolotiga salbiy ta'siri va ularning oldini olish choralari	64
36	И.Ю. Хидиров	Тадкиқотларда "шаҳар" тушунчасининг таҳлили (Қадимги шаҳарлар мисолида)	66
37	Н.З.Шерматова	Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида оилавий тадбиркорликнинг ўрни	69
38	Б.Э. Юлдошев	Замонавий бошқарувда раҳбар фаолияти самарадорлиги	70
39	О. Бўриева, Д. Ўрокова	Интерфаол таълим тизимининг ўзига хос хусусиятлари	72

## II SHU'BA.

### МАКТАБГАЧА ВА БОШLANG'ICH TA'LIMI SOHASIDA INNOVATSION TA'LIM TEXNOLOGIYALARINI QO'LLASH: JORIY QILISH YO'LLARI, USULLARI, MUAMMO VA YECHIMLAR

40	A.R.Meliboyev	O'quvchilarga korreksion mashg'ulotlarini o'tkazishda innovatsion texnologiyalardan foydalanishning mazmun mohiyati	74
41	Sh.Hamroyev, D. Baxritdinova	Kitobxonlik anjumanlarini o'tkazish texnologiyasi: muammolar, izlanishlar va yechimlar	78
42	M. Shodiyeva	Mustaqil ta'lim orqali uzluksiz malaka oshirishning elektron axborot ta'lim muhitini yaratish	80
43	M.Абдухоликова, Д.Тўраева	Бўш ўзлаштирувчи ўқувчиларни кутубхонага жалб этиш усуллари	82
44	D.Azizova	Boshlang'ich sinf darslarida innovatsion texnologiyalarni qo'llash	85
45	M. Тўқлиева	Илғор педагогик технологияларнинг ўзига хос хусусиятлари	86
46	Z. E. Achilova	Boshlang'ich ta'lim sifat va samaradorlikni oshirishda zamonaviy pedagogik va axborot texnologiyalarning o'rni	88
47	D. Baxritdinova, X. Beknazarova	Boshlang'ich sinflarda integratsiyalashgan ta'lim samaradorlik omili	90
48	K.A. Hakimov	Boshlang'ich ta'limda zamonaviy pedagogik texnologiyalar	92
49	Д. Бахриддинова, Б. Сайидов	Адабий эрталикларни ўтказишда инновацион технологиялардан фойдаланиш	94
50	X. Beknazarova	Бошланғич синфларда дарс самарадорлигини ошириш усуллари	96
51	M. Сафарова	Ўқувчиларнинг ёзма саводхонлигини ошириш омиллари	98
52	X. Beknazarova, M. Алимардонова	Тингловчиларни инновацион фаолиятга тайёрлаш технологиялари	100